

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИДА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Мирсалихова Гузал Алаутдиновна

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси
катта ўқитувчиси.*

Хусанова Сарвиноз Мамади кизи

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
3-ўқув курси, 307-гуруҳ курсанти.*

Аннотация. Ушбу мақолада ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга қарши курашишда профилактика хизматининг асосий вазифалари, ўзига хос жиҳатлари амалга ошириладиган илғор тажрибалар ва уларнинг ижобий натижалари юзасидан фикрлар билдирилган. Ушбу фикрлар асосида Республикамизда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга қарши курашиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, жиноятчилик, қонунчилик, жиноятлар профилактикаси, илғор методлар, тажриба, жиноятчилик даражаси.

ПРАКТИКА ПРИМЕНЕНИЯ ПЕРЕДОВОГО ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРА ПО ПРОФИЛАКТИКЕ ПО БОРЬБЕ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Аннотация. В данной статье рассматриваются основные задачи и особенности службы профилактики в борьбе с преступлениями, совершенными несовершеннолетними в развитых зарубежных странах, а также передовой опыт и его положительные результаты. На основе этих наблюдений представлены предложения и рекомендации по борьбе с преступлениями, совершенными несовершеннолетними в нашей Республике.

Ключевые слова: несовершеннолетние, преступность, законодательство, профилактика преступлений, передовые методы, опыт, уровень преступности.

PRACTICE OF APPLYING ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN THE ACTIVITIES OF THE INSPECTOR FOR JUVENILE CRIME PREVENTION

Abstract. *This article examines the main tasks and characteristics of prevention services in combating juvenile delinquency in developed foreign countries, as well as their best practices and positive outcomes. Based on these observations, proposals and recommendations are presented for addressing crimes committed by minors in our Republic.*

Keywords: *minors, crime, legislation, crime prevention, advanced methods, experience, crime rate.*

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборат. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш борасидаги ислохотларнинг ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан узвий боғланган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди. Унга, асосан, ёшлар ҳуқуқбузарликларини ҳимоя қилишнинг қуйидаги устувор йўналишларида ислохотлар амалга оширилмоқда. Шунини айтиш керакки, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик биз катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланиб қолиб, ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларни жамият ҳаётига мослаштириб, улар билан доимий равишда индивидуал профилактик чора-тадбирларни олиб бориш лозим. Маълумки, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва улар билан самарали чора-тадбирлар олиб бориш масаласи ҳар доимгидан ҳам жиддий кўринишда олиб борилганлигини инобатга олиб, бу соҳада фаолият юритувчи алоҳида ўзгариш сифатида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг буйруғига кўра вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари лавозимлари жорий этилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида ушбу фаолият вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторлари томонидан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

Европа мамлакатлари орасида ижтимоий хавфли бўлган вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни таъминлаш соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим Францияда шаклланиб қолган. Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланадиган муниципал полицияси шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлайди ҳамда вояга етмаган шахслар билан шуғулланади ва бу борада улар Миллий полиция

билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб борадилар. Франция Миллий полициясига полициянинг барча функциялари, жумладан, вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти масалалари вазифаси ҳам юклатилган бўлиб, уларни самарали таъминлаш мақсадида, унинг таркибида йигирмага яқин бош бошқарма, бошқарма, марказ, институт ва хизматлар фаолият олиб боради. Миллий полиция таркибидаги ёшлар билан ишлаш бошқармасининг асосий вазифаси бевосита вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини кўтариш масалалари билан ҳам шуғулланади. Бош бошқарманинг фаолияти қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган: ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг мамлакатда ўрнатилган ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш бўйича тартиб-қоида назоратини амалга ошириш, аҳолига ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан катта бўлмаган миқдордаги зарар етказилиши билан боғлиқ жиноятларни суриштириш ва тергов қилиш; жамоат тартибини сақлаш ва қайта тиклаш. Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва вояга етмаганлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифалари ўзига хос тартибда Миллий полициянинг чегара ҳудудлари, темир йўллар ва ҳаво транспорти ҳудудларида хизмат олиб борувчи ҳудудий полицияси бошқармаси, асосий вазифаси Республика даражасидаги оммавий тартибсизликларга қарши кураш ва уни бартараф этиш ҳисобланган Республика хавфсизлик корпуси марказий хизмати каби мустақил таркибий тузилмалари томонидан ҳам амалга оширилади. Франция ИИБ Миллий полицияси сингари Бош дирекция раҳбарлик қилувчи Бош бошқарма ҳам вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Жандармерия қишлоқ ҳудудларида ва мамлакат аҳолисининг ярмини, давлат ҳудудининг 90 фоизини ташкил этувчи унча катта бўлмаган шаҳарларда полиция вазифасини бажаради.

Японияда эса полициянинг махсус илмий тадқиқот институти фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибида психология, тарбиявий ишлар ва шароитларни ўрганиш учун алоҳида лабораториялар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида вояга етмаганларни (асосан қурбонларни); айрим турдаги ва гуруҳдаги жиноятчиликларнинг виктимологияси бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борувчи институт ҳам фаолият кўрсатади.

АҚШнинг штат полицияси - энг кўп гуруҳли, ҳамма нарса билан шуғулланади: баъзан федерал масалалар билан шуғулланадилар, шунингдек вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган майда ўғирликлар, гиёҳванд моддаларини сотиш ёки истеъмол қилишга қарши жиноятлар бўйича ҳамда бошқа шу каби жиноятларга қарши курашадилар.

Россия Федерацияси Ички ишлар вазирининг 31.12.2012 йилдаги 1166-сонли «Полиция ҳудудий участка инспекторининг фаолиятини ташкил этиш

масалалари тўғрисида» ги буйруғи билан тасдиқланиб, куйидагилар белгиланган:

Худудий полиция участка инспектори - тегишли маъмурий худудда яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, худудида содир этилиши мумкин бўлган жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар таъсиридан, фуқароларни ҳимоя қилишга қаратилган хизмат фаолиятини амалга оширувчи расмий Россия полициясининг участка инспектори ҳисобланади.

Худудий полиция участка инспектори ички ишлар органлари фаолиятининг деярли барча соҳаларида кенг ваколатларга эга. Масалан, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан профилактик таъсир чораларини қўллаши мумкин. Маъмурий жазо тайинлаш бўйича худудий полиция участка инспекторининг алоҳида ваколатлари Россия Федерацияси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексиди (Россия Федерацияси Маъмурий Кодекси) белгиланган.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборат. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш борасидаги ислоҳотларни ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан узвий боғланган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди. Унга асосан, ёшлар ҳуқуқбузарликларини ҳимоя қилишнинг куйидаги устувор йўналишларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунини айтиш керакки, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик биз катталар уларнинг тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларни жамият ҳаётига мослаштириб, улар билан доимий равишда индивидуал профилактик чора-тадбирларни олиб бориш лозим. Маълумки, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва улар билан самарали чора-тадбирлар олиб бориш масаласи ҳар доимгидан ҳам жиддий кўриниш олиб бораётганлигини инобатга олиб бу соҳада фаолият юритувчи алоҳида ўзгариш сифатида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг буйруғига кўра вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари лавозимлари жорий этилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида ушбу фаолият вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторлари томонидан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш фаолиятини ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи

орган ва муассасалар, туман ва вилоят ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамкорликда ташкил этади. Вояга етмаганлар ва ёшлар билан бевосита ишлаш таянч пунктлари профилактика инспекторлари ҳамда транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан амалга оширилади. Бу соҳада амалга оширилган энг катта ислоҳотлардан бири бўлди десак янглишмаган бўламиз. Чунки вояга етмаганлар билан алоҳида фаолият олиб борувчи профилактика инспекторлари фақат вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ишларни олиб бориб, улар билан яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш билан бир қаторда адашиб ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар йўлига кириб қолган вояга етмаганлар ва ёшлар ҳамда уюшмаган ёшлар билан ҳам алоҳида виктимологик профилактикани амалга ошириб, уларни мамлакатимизнинг амалдаги қонун нормаларига итоат руҳида тарбиялаш борасида ўзларнинг муносиб ҳиссаларни қўшиб келишмоқда. Юртимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишининг барвақт олдини олиш ва уларнинг оқибатларини минималлаштириш борасида ва ёшларнинг ватан равнақи ва жамиятга нафи тегадиган фаолият билан шуғулланишларини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда бир қанча ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, уларнинг ҳуқуқбузарликларни келиб чиқиш сабаб-шароитларини атрофлича ўрганиб чиқилиб, амалиётчи мутахассис ходимлар ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқитувчи, профессор ва мутахассислари томонидан бир қанча фикр-мулоҳазалар бериб борилмоқда. Хусусан, бугунги кунда республика миқёсида жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир қилган ёшларнинг кўпроқ қисмини уюшмаган ёшлар ташкил этади. Бунинг сабаби ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги ҳисобланади. Ушбу ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги, бандлиги ва ҳаётга нисбатан фаоллигини ошириш мақсадида ҳар битта маҳаллаларда репетиторлик марказларини ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу репетитор марказида уюшмаган ёшларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш учун кутубхона ва турли фанлардан (аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, чет-тили фанлари,) тўғараклар ташкил қилинса, уюшмаган ёшларнинг ОТМга кириши ва жиноятчиликни олдини олишга озгина бўлса ҳам ҳисса қўшган бўламиз. Қолаверса, мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқбузарликлари нималигини ва унинг оқибатлари, келиб чиқиш сабаб-шароитлари ҳамда уларга нисбатан қонунчилигимизда кўрсатилган тегишли таъсир чораларнинг мавжудлиги ҳақида ҳар бир мамлакатимизнинг фуқароларида кўникма ҳамда тушунчалар пайдо бўлиши учун ижтимоий сайтларда ва интернет глобал тармоқларда вояга етмаганлар билан боғлиқ

электрон тизим жорий этилиши мақсадга мувофиқ деган фикрга тўхтатилди. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган электрон тизим жорий этилади. Норматив - ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш ва болаларни таълимга жалб қилишга қаратилган электрон тизимни яратиш тўғрисида ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилди. Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликни олдини олиш, болаларини таълимга жалб қилиш мақсадида электрон ахборот тизимни жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-noyabrdagi “O'zbekiston respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida” PF-27 son farmonining
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 январь.
3. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.
4. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
5. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
6. Таштемиров А. А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
7. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
8. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва ахамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.

9. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.

10. Таштемиров А. А. и др. Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 454-461.

11. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.

12. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.

13. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

14. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.

15. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш даврлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.

16. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза–ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

17. Aliqulovich T. A., Atxam o'g'li M. X. Profilaktika inspektorining ommaviy tadbirlarni o'tkazish jarayonidagi ishtirokining o'ziga xos xususiyatlari //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 24. – С. 230-235.

18. Таштемиров А., Хўжамбердиев А. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва таснифи //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 6. – С. 4-12.

19. Таштемиров А., Комилов А. Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Центральноазиатский журнал

междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.

20. Таштемиров А., Юлдошев Х. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.

21. Тоштемиров А. Киберфирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг пайдо булиш ва ривожланиш тарихи //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 11/S. – С. 95-102.

22. Тоштемиров А. А. Некоторые аспекты изучение модели управленческой деятельности в органах внутренних дел. – 2022.

23. Таштемиров А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2024. – Т. 2. – №. Special Issue 6. – С. 25-32.

24. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.

25. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.

26. Тоштемиров, А. (2022). История возникновения и развития преступлений, связанных с кибермошенничеством. Общество и инновации, 3(11/S), 95–102. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss11/S-pp95-102>.

27. Мирсалихова Г. Тезкор қидирув фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 291-296.

28. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда эҳтиёт чораларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 160-165.

29. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишда айрим процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 141-146.

30. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уни бартараф этиш йўналишлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 22. – С. 116-123.

31. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг

тартибга солиниши //so 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 1. – С. 5-15.

32. Мирсалихова Г. Ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолияти тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар истиқболлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 214-217.

33. Mirsalixova G., Shodiyev S. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining o 'ziga xos xususiyatlari //Development and innovations in science. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 160-168.

34. Мирсалихова Г. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга нисбатан белгиланадиган жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари //Models and methods in modern science. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 78-86.

35. Мирсалихова, Г. (2024). Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишнинг хорижий давлатлардаги илғор тажрибаси. Евразийский журнал технологий и инноваций, 2(Special Issue 6), 112–119. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejti/article/view/33102>.

36. Мирсалихова Г. А., Баҳодиров А. А. Ў. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий аҳамияти //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 104-108.

37. Мирсалихова Г. А. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш йўналишлари //Innovation in the modern education system. – 2024. – Т. 5. – №. 46. – С. 291-300.